
Тумандаги 48-мактаб биносида ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда

Аввал хабар берганимиздек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон қарорига асосан туманимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан тумандаги Янгичек маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 48-умумий ўрта таълим мактабида мазкур қарор асосида 3 млрд. 420 млн.сўм маблағ сарфланиб мактаб биносида мукаммал таъмиглаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Худуднинг 510 нафар ўқувчи ёшлари таҳсил оладиган мазкур билим даргоҳида бугунги кунда қурилиш ишлари олиб борилиб, ҳозирда ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ишлардан, фарзандлари кенг, ёруғ ва замонавий мактабда таҳсил олишидан маҳалла аҳли бирдек мамнун.

2023-04-07 22:03:08